

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА ГАВҲАР ХУСАНОВНАНИНГ

**5340100- иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун «Молиявий бозорни шаклланишида қимматли
қоғозларни ўрни ва аҳамияти» (Ўзбекистон иқтисодиёти мисолида)
мавзусидаги битирув малакавий иши**

Раҳбар: к.ў. Аллаярова М.Қ.

ГУЛИСТОН-2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда молия тизимининг ўрни ва аҳамияти.....	8
1.1. Молия тизимининг моҳияти ва вазифалари.....	8
1.2. Қимматли қоғозлар тушунчаси.....	15
1.3. Қимматли қоғозлар бозорининг амал қилиш механизми.....	26
II Боб. Сармоялар бозорида қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга ошириш босқичлари.....	36
2.1. Сармоялар бозоридаги қимматли қоғозлар.....	36
2.2. Қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш босқичлари...	41
III Боб. Худудда қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати таҳлил ва такомиллаштириш йўналишлари.....	49
3.1. Худуд қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик ҳолати таҳлили.....	49
3.2. Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш йўллари.....	55
Хулоса.....	62
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	65
Иловалар.....	68

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мавжуд қонунларнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурдир. (2)

Жумладан, акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий маблағларнинг муттасил шакллантирилиши, улардан оқилона фойдаланиш улкан аҳамиятга эга, чунки молиявий маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим сармоя негизи, халқ турмуши моддий ва маънавий даражасини ошириш манбаи ҳисобланади. Молиявий маблағлар ҳажмининг камайиши иқтисодиётни ривожлантиришга молиявий таъсир кўрсатиш имкониятларини, долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал қилинишини қийинлаштиради. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга сармоялар қисқартирилиши, тасарруфдаги миллий даромад

таркибида истеъмол фонди камайишига олиб келади. Молиявий маблағларнинг етишмовчилиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг натурал-товар ва қиймат структурасининг номуносивблигига, турли номувофиқликларга олиб келади. (1)

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. У молия бозорининг бир қисми бўлиши билан бирга жамғармаларни тўплайдиган ва кейинчалик иқтисодиётга инвестициялаш ва ҳамда унинг ишлаб чиқариш қувватини такомиллаштириш учун уларни молия активларига айлантирадиган канал вазифасини ўтайди. Қимматли қоғозлар бозори банк кредити тизимини тўлдирди ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. (10)

Молиявий маблағларнинг ҳажми ва таркиби, ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси ва самарадорлиги қанча юқори бўлса, сарфланаётган ва фойдаланилаётган молиявий маблағларнинг ҳажми шунчалик кўп бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришга сарфланаётган молиявий маблағларнинг кўплиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва такомиллашуви учун шароитлар яратади. Молиявий маблағлар қандай йўналишда ва қанча сарфланаётганига боғлиқ равишда ишлаб чиқаришни кўшимча қувватлар билан таъминлаш имкониятлари юзага келтирилади. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасининг ортишига, халқ хўжалиги иқтисодиётининг тегишли соҳаларида меҳнат самарадорлиги ортиши учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда молия тизимининг ўрни ва аҳамияти Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида кенг ёритилган. Шу жумладан, МДХ республикалари олимларидан А.М.Бирман, А.М. Александров, Э.А.Вознесенский, И.Т. В.А. Балабанов, В.М.Родионова республикаимиздаги олимлардан М. Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Ю.Т.Додобоев, Х. Ишбутаева, Х. Эшнӣзова, В.А.Чжен, Н. Тухлиев, А. Кременцева, асарларида ёритилган.

Америка иқтисодчилари Стенли Брю, Кэмпбелл «Экономикс» асарида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш босқичлари акс эттирилган.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Малакавий ишнинг мақсади бозор шароитида молиявий барқарорликни таъминлашда қимматли қоғозлар бозорини ўрнини кўрсатиш. Мақсадга эришиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ресурслар бозори ва маҳсулотлар бозоридаги доиравий айланишни мувозанатини ушлаб туради;
- пулга бўлган талаб ва пулни таклиф қилишни амалга оширади;
- тўловларнинг айланишини таъминлайди;
- жамғармалар, инвестициялар ва молия бозорининг ҳаракатини таъминлайди;
- қимматли қоғозларни чиқариш, бирламчи ва иккиламчи жойлаштиради;
- пул ва сармоялар бозоридаги операцияларни амалга оширади.

Тадқиқотнинг объекти. Битирув малакавий ишнинг объекти Сирдарё вилояти иқтисодиётида корпоратив бошқарув тизими қоидаларини жорий қилиш, хусусийлаштирилган корхоналар, давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчилари фаолияти мисолида ёритилган

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Мавзуни ёритиш жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, статистик, графикли ва математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишни ўзи бозор муносабатлари шароитида янгилик деса бўлади. Чунки эски маъмурий-буйруқбозлик тизимида молиявий ресурслар давлат томонидан марказлаштирилган ҳолатда тақсимланган, мулкнинг асосий қисми давлатнинг ихтиёрида бўлган. Ҳозирги замонда молия бозорларининг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлган қимматли қоғозлар бозори шаклланиш босқичидадир. Бунда асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан фонд биржасида ва фондлар дўконлари орқали хусусийлаштирилган корхоналарнинг эркин сотиш учун мўлжалланган

акциялар мажмуаси сотилади. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори устивор фаолият кўрсатмоқда. Иккиламчи бозорни шакллантириб корпоратив бошқаришни жорий этиш асосий вазифадир.

Тадқиқотнинг илмий - амалий аҳамияти. Битирув малакавий иш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Миллий иқтисодиётда инвестицияларни жалб қилишнинг реал кўриниши билан чекланиб қолмасдан молиявий, яъни қимматли қоғозларни жалб қилиш йўли билан ҳам иқтисодиётда ўсишни таъминлаш лозим. Республика иқтисодиётининг минтақавий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда корхоналарни ҳиссадорчилик мулкига асосланган шаклда ташкил этиш, яқин келажакда эса инвестиция фондлари ва холдинг компанияларини ривожлантириш, корпоратив бошқарувни йўлга қўйиш давр талабидир.

Тадқиқот ишининг ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисми уч бобдан иборат. Биринчи бобда иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда молия тизимининг ўрни ва аҳамияти, яъни молия тизимининг моҳияти ва вазифалари, қимматли қоғозларнинг умумий тушунчаси, қимматли қоғозлар бозорининг амал қилиш механизми ўз аксини топган. Иккинчи бобида сармоялар бозорида қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга ошириш босқичлари, шу жумладан, сармоялар бозоридаги қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш босқичлари ёритилган. Учинчи бобида ҳудудда қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати таҳлил ва такомиллаштириш йўналишлари, яъни ҳудуд қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик ҳолати таҳлили ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш йўллари акс эттирилган.

I Боб. Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда молия тизимининг ўрни ва аҳамияти

1.1. Молия тизимининг моҳияти ва вазифалари

Оддий айланиш доирасида макроиқтисодиётнинг учта асосий масаласи ҳал қилинади: нима ишлаб чиқариш керак, қанча ишлаб чиқариш керак ва ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган натижаларни қандай тақсимлаш керак. Турли иқтисодий тизимларда бу масалалар турлича ҳал қилинади. Агар бозорда нарх ресурслардан фойдаланиб бошқарилса, демак, гап иқтисодий ривожланишнинг бозор модели ҳақида кетади. Агар ресурслардан фойдаланиш сиёсий ёки маъмурий тадбирлар ёрдамида амалга оширилса, гап буйруқда асосланган ёки режали иқтисодиёт ҳақида боради.

Соддалаштирилган айланиш моделида уй хўжалиги ва корхоналар ишлаб чиқариш омиллари, иш ҳақи, фойда фойзлари ва дивидендлари кўринишидаги пул даромадлари билан ўзаро боғланган. Корхоналар товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун иш кучи, сармоя, табиий бойликлардан фойдаланади, ҳамда уларни ўз навбатида уй хўжаликларига сотади. Уй хўжаликлари эса товарлар ва хизматлар учун тўловни ўз иш кучини сотишдан корхоналарга ўз сармоясини қарзга беришдан топган пуллари ёрдамида тўлайди. Шундай қилиб, ресурслар, маҳсулотлар ва даромад айланиши юз беради. (24)

Товарлар ва пул тўловларининг қарама-қарши оқимлари бозорларда ишлаб чиқариш омиллари бозорлари ёки ресурслар бозорларида ва маҳсулотлар бозорларида юз беради. Ишлаб чиқаришнинг бирламчи омиллари пулга сотиб олинadиган ва сотиладиган жойларни иқтисодчилар ресурслар бозорлари деб аташади; товарлар ва хизматлар сотиладиган ва сотиб олинadиган жойлар товар бозорлари деб аталади. Ишлаб чиқариш ресурслари бозорларида бир қатнашчиларнинг пулга бўлган эҳтиёжига бошқа қатнашчиларнинг, асосан корхоналарнинг ресурсларга ёки ишлаб чиқариш омилларига эҳтиёжи қарши

туради. Товар бозорларида, асосан корхоналар томонидан пулга бўладиган эҳтиёжга, ишлаб чиқарилган товарларга уй хўжаликлари томонидан бўладиган эҳтиёж жавоб беради.


Бу айланишда икки оқимни – ресурслар, товарлар оқимини ва пул харажатлари, даромадлар оқимларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бозор иқтисодиётида молия тизимининг аҳамиятини тушуниб олишда иккинчи йўналишнинг аҳамияти жуда муҳим. Уй хўжаликлари олган даромадларнинг ҳаммасини товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфлашмайди, маблағларининг бир қисмини тўплашади, яъни кечиктирилган талабни ифодаладиган жамғарма ҳосил қилишади. (16)

Пул тўплаш истаги вақтинчалик бўш пул захирасини шакллантиради, у банкка қўйилиши ва фоизлар кўринишида даромад келтириши мумкин. Уй хўжаликларининг энг кенг тарқалган пул жамғариш шакллари нақд пулларни тўплаш, фоиз даромадлари келтирадиган (ёки келтирмайдиган) жамғарма омонатлари ҳисобланади. Уй хўжаликларининг даромадлари оқимидан жамғармалар кўринишидаги пул маблағлари чиқиб кетади. Пул маблағларининг маълум қисми доимо жамғарилади, ресурслар ва маҳсулотлар айланиши эса пул маблағларининг қарши оқими билан мувозанатлаша.

Бозорнинг бошқа қатнашчилари эса, аксинча, жорий истеъмолга ёки товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга, қурилиш ёки савдога инвестиция қилишга эҳтиёж сезишади. Агар уй хўжалиги ўрта ҳисобда ишлаб топган пулига нисбатан кам харажат қилса, корхоналар ўз маҳсулотларини сотишдан тушган маблағларга нисбатан кўп маблағ сарфлайди. Корхоналар давлат ўз инвестиция ва бошқа харажатларини қоплаш учун анча миқдордаги молиявий маблағларга муҳтож. Ҳозирги замон миллий иқтисодиёт тизимлари йирик заводлар, фабрикалар, бошқа ишлаб чиқариш иншоотлари, аэропортлар, коммуникация ва транспорт тизимлари, турар жой бинолари, мактаблар қуриш ва хоказо учун инвестицияларга катта эҳтиёж сезади. Ускуналар ва технологияларнинг янги турларига сарфланадиган инвестициялар иш

унумдорлигини оширади, мамлакатдаги ҳаёт даражасининг юқорироқ бўлишини таъминлайди. Хўжалик юритувчи объектлар зарур молиявий маблағларни топиш учун банкларга қарз сўраб мурожаат қилади, акция ва облигациялар чиқаради. Одамларнинг ўзлари ҳам моддий ва молиявий инвестицияни амалга оширадилар, яъни уйларни, акция ҳамда облигацияларни сотиб оладилар. Агар айни пайтда уларда маблағ бўлмаса ёки кам бўлса, улар ҳам банкларнинг миқдосига айланади. Оқибат натижада уй хўжаликлари, корхоналар ва ҳукумат олган кредит маблағларини ўз мажбуриятлари бўйича жорий тўловларга йўналтиради. (7)

Кўриниб турибдики, пул захираларидан тўловлар оқимиغا қўшимча маблағлар қўшилади, улар ссуда инъекциялари деб аталади. Шундай қилиб, тўловларнинг айланиши оқимидан камайиш асосан уй хўжаликларининг жамғармалари шаклида юз беради, тўловлар оқимиغا инъекция (қўшиш) эса асосан корхоналарнинг кредит инвестициялари тарзида амалга оширилади.



1 - чизма. Молия бозорларидаги тўловларнинг айланиш модели

Аҳолининг жамғармалари вақтинчалик бўш молия ресурсларини таклиф қилишдир. Кредит инвестициялари вақтинчалик бўш молия ресурсларига талабгор. Охир оқибатда кредит ресурсларининг талаб ва таклифи молия ресурсларининг олди-сотди жараёни юз берадиган ўзига хос молия бозорларининг пайдо бўлишини белгилайди. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромад айланиши моделида молия бозорларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, унинг анча мураккаблашган моделини тузилади. (1 – чизма)

Молия бозорлари ва уларга фаолият кўрсатадиган молия муассалари мамлакатнинг молия тизимини ташкил қилади. Молия тизими мамлакат иқтисодиёти учун ҳаётий зарур бўлган кўпгина муҳим вазифаларни бажаради.

Жамғарниш вазифаси. Молия муассасалари тизими аҳолига, корхоналарга фоизли ва фоизсиз омонатлар, қимматли қоғозлар, депозит сертификатлар, облигация ва акциялар шаклидаги пул жамғармаларининг хилма-хил усуллари таклиф қилади. Молия муассасалари корхоналар ва уй хўжаликларининг вақтинчалик «ҳаракатсиз пуллари» нинг харид қобилятини сақлаш ва кўпайтариш мажбуриятини олади.

Кредитлаш вазифаси. Бу-молия тизимининг фаол вазифасидир. У биринчи вазифа билан чамбарчас боғланиб кетган, чунки молия муассасаларининг, хусусан, банкларнинг кредит бериш салоҳияти мамлакат иқтисодиётида жамғарилаётган молия маблағлари ҳажмига бевосита боғлиқ.

Тўловларга хизмат кўрсатиш вазифаси. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товар, молия операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар доимо ва катта ҳажмларда амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) ўз ходимларига иш ҳақи ва мукофотлар беради, хом ашё ва товар етказиб берувчиларга ҳақ тўлайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди ва ҳоказо. Бу ҳисоб-китобларнинг барчаси турли-туман молия воситалари, жумладан тўлов топшириқномалари, талабномалар, аккредитивлар, чеклар, векселлар, кредит карточкалари ва ҳоказо ёрдамида бажарилади.

Иқтисодий сиёсат вазифаси. Марказий банк ва ҳукумат молия тизимининг пул-кредит ва фискал дастакларига таъсир кўрсатиб, давлат иқтисодий сиёсатини зарур йўналишда ўтказди. (10)

Бозорларда пул активларига бўлган талабга пул активлари таклифи қарши туради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг трансакция ёки бошқа мақсадлар учун пул маблағларининг олиш усуллари ҳар хил бўлсада, асосий жиҳатлари барча учун бирдайлигича қолади. Бозор хўжалигининг барча қатнашчилари бозорларга (ресурслар бозори, товарлар бозорларига, пул ва сармоя бозорларига, валюта бозорларига) чиқади.

"Молия бозори" атамаси жуда кенг тушунчадир. У ҳақиқатан ҳам кенг маъноли ва мураккаб иқтисодий тоифани ташкил қилади ҳамда муайян молия муассасалари орқали ўзаро таъсирда бўладиган мулк эгалари билан сармоя, қарз олувчилари ўртасидаги муносабатни тасвирлайди. Ҳозирги замон иқтисодиёти учун молия бозори ўзига хос "асаб маркази" ҳисобланади, унинг ривожланиш даражасига қараб мамлакат иқтисодиётининг "аҳволи" ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб, жамиятнинг иқтисодий фаоллигини бошқариш мумкин. (24)

Жамғармалардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган икки усули маълум: нақд пулларни сақлаш ёки қимматли қоғозлар сотиб олиш. Жамғармаларнинг кўпини жамиятнинг оила "ўчоқлари", иқтисодиётга инвестициялар қўйишни эса асосан хўжалик юритувчи субъектлар амалга оширади. Тараққиёт давомида бу пул оқимларининг биринчисидан иккинчиларига ўтишини тартибга солиб турадиган муассасалар, воситалар тўпламига эга муайян механизм ишлаб чиқилган. Молия бозори ана шундай механизм сифатида фаолият кўрсатади.

Ҳозирги замон молия бозорининг асосини кўп сонли молия муассасалари ёки воситачилар ташкил қилади. Бу - сотувчилар ва харидорлар яъни, сотиладиган ва харид қилинадиган товар, пул ва бошқа молия активлари мавжуд бўлган бозор. Улар вақтинчалик фойдаланиш учун (мажбуриятли қарзлар шаклида) ёки бутунлай (акцияга) берилиши мумкин. Шу билан бирга,


молия бозорлари пул маблағлари жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган кўплаб турли-туман йўллар билан таъминланиб туради. Улар икки асосий гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга пул маблағлари бевосита жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган маблағ билан бевосита молиялаш йўллари киради. Улар ўз навбатида икки турга бўлинади: капитал молиялаш - унга мувофиқ тадбиркор маблағини мулкнинг бир қисмига алмаштириш ҳисобига олади (оддий акциялар) ва қарз олиш йўли билан молиялаш - унга мувофиқ фирма маблағни олдиндан келишилган фоиз бўйича кейин тўлаш ва фирмага эгалик қилиш ҳуқуқини олмаслик ҳақидаги шарти билан олади (облигациялар). Бу барча қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва фаолият кўрсатишини белгилайди.

Иккинчи гуруҳга билвосита маблағ билан таъминлашга омонатчиларнинг маблағларини молия муассасаларига: тижорат банклари, суғурта ва траст компаниялари, пенсия фондлари ва хоказоларга қўйишга доир барча операциялар киради. Маблағ билан таъминлашнинг "билвоситалиги" шундаки, омонатчиларнинг ўзлари маблағларини ушбу лойиҳаларга бевосита қўймайдилар

Жисмоний ва юридик шахсларнинг узоқ муддатли пул омонатлари молия воситачилари томонидан инвестиция кредитлари сифатида бериш учун фойдаланилади, инвестиция кредитлари узоқ муддатли қимматли қоғозлар билан бирга **сармоялар бозорида** олди - сотди қилинади. (28))

Омонатларни фақат узоқ муддатли инвестицияларга қўйиш шарт эмас, уларга умри қисқа қимматли қоғозлар - қисқа муддатли хазина мажбуриятлари, векселлар ва хоказони сотиб олиш мумкин. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг қисқа муддатли омонатлари ҳамда пул массасининг бошқа элементлари билан бирга улар **пул бозорини** ташкил қилади.

Пул бозори Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини жорий қилиш объекти ҳисобланади. У кредит муассасаларининг активлари билан савдо қилиш учун мўлжалланган, бу активлар Марказий банкда кредит муассасаларининг энг муҳим ликвид маблағлари захиралари бўлиб хизмат қилади.



2 – чизма. Молия бозорларининг туркумланиши

Шундай қилиб, акгивларни қимматлаштириб ёки арзонлаштириб, кўпайтириб ёки камайитириб, Марказий банк баъзи банкларнинг кредит беришга ва, демак, кредит бўйича фоизлар қийматига ва омонатлар бўйича фоиз

ставкалари қийматига тайёрлигига таъсир кўрсатади. Пул бозори давлат хазинасига бевосита нақд пул тушишини таъминлайди ва фирма ёки жисмоний шахсга ўзларининг вақтинчалик бўш маблағларидан даромад олишга имкон беради. Пул **бозорисиз** тўлиқ маънодаги молия **бозори** бўлиши мумкин эмас.

Ҳозиргача биз расмий молия бозорлари механизмини тушунтирдик, лекин улар билан бирга норасмий молия бозорлари ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. (8)

Молия тизими етарлича ривожланмаган мамлакатларда ёки инфляция кузатилаётган, ё бўлмаса, тўлов балансининг мувозанати бузилган жойларда молиявий операцияларнинг кўп қисми айнан уша норасмий бозорлар орқали юз бериши мумкин. Норасмий бозорлар ҳар хил шаклда бўлиши мумкин: қишлоқ жойларда ссудалар бериш амалиётидан бошлаб, расмий ташкил қилинганлари билан ёнма-ён фаолият кўрсатадиган йирик қўламдаги шаҳар биржадан ташқари бозорларигача. **Норасмий** бозорларда кўпинча чет эл валюталари операциялар объекти ҳисобланади. Шундай бозорларнинг мавжудлиги, масалан, пул-кредит соҳасидаги, тўлов баланси, солиққа тортиш, меъёрий-ҳуқуқий база ва бошқалар бўйича масалаларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқ.

1.2. Қимматли қоғозларнинг умумий тушунчаси

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ **“қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир”**. Юқорида қайд қилинган қонунга кўра, қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, хазина

мажбуриятлари, депозит ва жамғарма сертификатлари, векселлар, шунингдек ҳосила қимматли қоғозлар киради.

Қимматли қоғозлар - бу ҳужжат (бланкли) шаклида ёки ихтисослаштирилган ташкилотлар (депозитарийлар) даги ҳисоб рақамларда ёзувлар кўринишида алоҳида усул билан тасдиқланадиган, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қарз ёки акциядорлик капитали шаклида жалб этиладиган маблағларни жалб қилиш, қайта тақсимлаш ва қайтариб тўлаш соҳасидаги мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ номулкӣ ҳуқуқлардир.

У ёки бу йўсинда қимматли қоғозларга нисбатан давогарлик қилувчи молиявий воситаларни қуйидаги икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ. Бу уларни чиқариш ва муомалада бўлиши шартлари Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида” ги Қонуни билан тартибга солинадиган қимматли қоғозлардир. Буларга акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, ҳосила қимматли қоғозлар киради.

Иккинчи гуруҳ. Қимматли қоғозлар бўлмаган, аммо кўпинча хатолик билан улар жумлисага киритиладиган молиявий воситалар: банк кредитини олишни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарз таҳлиллари, васиятномалар, суғурта полислари, лотерея чипталари киради.

Қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятларига айланувчанлик, ликвидлик ва хатар киради.

Айланувчанлик – бу қимматли қоғознинг бозорда харид қилинишига ва сотилишига, шунингдек, кўпчилик ҳолларда бошқа товарлар муомаласини осонлаштирувчи мустақил тўлов воситаси сифатида қўлланишга қодирлигидир. Барчага маълум бўлган П-Т (пул-товар), Т-П (товар-пул) метофорфозаларда қимматли қоғозлар ҳам товар сифатида, ҳам пул сифатида қатнашиши мумкин. Қимматли қоғозлар маълум маънода товар ҳисобланади. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари маълум қулай вазиятларда пул вазифасини – муомала ва ва тўлов воситасини

ҳам бажариши мумкин. Маълумки, айрим мамлакатларда кўчмас мулк, автомобил ва бошқалар билан ҳисоб-китоб қилиш чоғида юқори ликвидли давлат облигацияларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланилади.

Ликвидлик – бу қимматли қоғознинг унинг эгаси учун деярли зарар келтирмаган ҳолда тез сотилиши, пул маблағларига айланиш қудратидир. Ликвидликка таъсир кўрсатадиган омиллар учта гуруҳга: а) умумиктисодий омиллар; б) мазкур мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш даражаси билан боғлиқ омиллар; в) элементнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ омиллар.

Хатар - қимматли қоғозлар (шу жумладан, инвестициялар билан) операциялари билан боғлиқ йўқотишлар ва ва муқаррар равишда уларга хос эҳтимоллардир. Қимматли қоғозлар операцияларига доир хатарлар қандайдир бир операцияни бажаришда кўпгина тасодифий омилларнинг унга таъсири туфайли исталган натижага эга бўлмаслик эҳтимоли билан боғлиқ.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қимматли қоғозлар Ўзбекистонда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун, шунингдек, кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиши мумкин. Тўлов шаклидан қатъий назар қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўмда ифодаланади.

Акция (французча action сўзидан) – бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва одатда ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоздир. Акциялар бўйича олинган даромад – **дивиденд**, деб номланади. Дивиденд, одатда, акциядорлик жамиятининг фойдасига боғлиқ бўлади. Агар компания ҳисобот йили натижаларига кўра катта фойдага эга бўлса, унда катта дивиденд тўлаш имконияти бўлади ва аксинча. Агарда фойда бўлмаса, дивиденд тўланмаслиги мумкин. Бироқ, умумий қоидалардан истисно ҳоллар ҳам мавжуд. (19)

Акциянинг бозорда сотиладиган нархи акция курси, деб номланади. Бу акциялар баҳосининг асосий шаклидир. Ушбу нарх акциянинг реал қийматини белгилаб беради. Акциялар курси акциялар бўйича олинadиган дивидендга бевосита боғлиқ бўлса, ссуда фоизининг меъёрига нисбатан тескари муносабатда бўлади. **Акциялар курси** - бу капиталлаштирилган дивиденд бўлиб, у пул сармояси суммасига тенглаштирилади, ушбу капитал банкка қўйилган ёки қарзга берилган ҳолда акция бўйича олинadиган дивидендга тенг миқдорда даромад келтиради. Курс баҳосига, дивиденд ва қарз меъёрларидан ташқари, бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ҳудудида чиқариладиган акциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Очиқ акциядорлик жамиятининг акциялари, улар очиқчасига муомалага чиқарилади ва кейинчалик бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан қўлга ўтиши мумкин, ҳамда ёпиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари, булар бирламчи жойлаштирилишда олдиндан ажратиб олинган сармоядорлар ўртасида тақсимланади ва фақат компания умумий йиғилишининг розилиги билан қўлдан қўлга ўтиши мумкин.

2. Эгасининг номи ёзилган ва кўрсатувчи эгалик қиладиган акциялар. Эгасининг номи ёзилган акцияларда улар эгасининг фамилияси мажбурий тарзда кўрсатилиши шарт, агар уларнинг эгаси юридик шахс бўлса, ташкилотнинг номи кўрсатилади. Кўрсатувчи эгалик қиладиган акцияларда улар эгасининг номи кўрсатилмайди. Бу ушбу акциянинг фонд бозорида муомалада бўлиши хусусияти билан изоҳланади. Акциядорлик жамияти бир фактнинг вақтнинг ўзида ҳам эгасининг номи ёзилган, ҳам кўрсатувчи эгалик қиладиган акцияларни чиқариш мумкин. Ўзбекистонда кўпчилик акциялар эгасининг номи ёзилган шаклда чиқарилади.

3. Оддий ва имтиёзли. Оддий акция акциядорлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради у бўйича олинadиган дивиденд миқдори эса,

акциядорлик жамиятининг йил давомидаги ишининг натижасига боғлиқ ва бошқа ҳеч нарса билан кафолатланмаган. (24)

Имтиёзли акция акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини ва бу билан корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Уларнинг имтиёзлилиги, бир томондан, жамият хўжалик фаолияти натижаларидан қатъи назар, кафолатланган даромадни олиш имкониятидан, иккинчи томондан эса, акциядорлик жамияти тугатилган вақтда акциялар қийматини биринчи навбатда олиш ҳуқуқидан иборат. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати компания устав сармоясининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Акция бланкларининг мажбурий реквизитлари: 1. Акциядорлик жамиятининг номи ва манзили. 2. Қимматли қоғознинг номи – акция. 3. Серияси, тартиб рақамии ва чиқарилган санаси. 4. Тури (оддий ёки имтиёзли). 5. Номинал қиймати. 6. Эгасининг номи (эгасининг номи ёзиладиган акциялар учун). 7. Акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилган кундаги устав фондининг миқдори. 8. Чиқарилаётган акциялар сони. 9. Дивидендларни тўлаш муддати. 10. Акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси ва бош бухгалтерининг имзоси. 11. Рўйхатга олиш идораси томонидан берилган акция коди ва сана.

Фонд биржасидаги муомалада бўлиш хусусиятига кўра, “рўйхатга олинган” ва “рўйхатга олинмаган” акциялар мавжуд. Дастлабкилари - бу биржада муомалага чиқарилган акциялардир. Кейингилари эса – фақат қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорларида мавжуд бўлган акциялар. Ўзбекистон қонунчилигида акцияларнинг ҳар хил турлари – оддий ва имтиёзли, эгасининг номи ёзилган ва “кўрсатувчи эгалик қилинадиган”, шунингдек, кумулятив акцияларнинг таърифини учратиш мумкин. (16)

Облигация (лотинча obligatio сўзидан, мажбурият) - бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи ва унга ушбу қимматли қоғознинг номинал

қийматини унда кўрсатилган муддатга белгиланган (қатъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Акциядан фарқли равишда облигация эмитентнинг мол-мулкига нисбатан мулк унвони ҳисобланмайди. У овоз бериш ва бошқариш ҳуқуқини бермайди. Облигация – бу бир шахснинг (сармоядор-кредиторнинг) бошқа бир шахсга (эмитент-қарздорга) маблағларни вақтинчалик фойдаланиш учун берганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Облигация маълум муддатга чиқарилади ва сўндирилиши шарт. Эмитентнинг фаолияти тугатилган вақтда уларнинг эгалари қимматли қоғозлар бошқа турларининг эгаларига караганда анъанавий тарзда устунликка эга бўлади. Эмитентнинг хусусиятига кўра облигациялар қуйидаги учта катта гуруҳга бўлинади: давлат облигациялари, муниципал облигациялар, корхоналар облигациялари.

Давлат облигациялари. Одатда – бу “кўрсатувчи эгалик қиладиган” қимматли қоғозлардир. Улар монополистик капитализмгача бўлган даврда пайдо бўлди. Облигациялар ўзида кредит муносабатларини акс эттиради, бунда давлат қарздор, аҳоли ёки корхона ташкилотлар кредиторлар сифатида иштирок этади (давлат кредити).

Ўзбекистонда давлат облигациялари – бу республика ички қарзлари облигацияларидир. Бундай облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор ҳукумат томонидан қабул қилинади. Давлат облигацияларининг икки хил тури чиқарилишига йўл қўйилган. Бу даромадлилик ва самарали даромадлиликнинг ҳисоб-китобини назарда тутаяди. Сўндиришга нисбатан даромадлилик облигациянинг сўндиришгача қолган даврдаги даромадлигини белгилаб беради ва оддий фоизнинг йиллик ставкаси ҳисобланади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$i_n = \frac{N - P}{P} \times \frac{365}{d},$$

Бу ерда,

N - облигация номинали;

P - харид қилиш баҳоси;

d - сўндиришгача қолган давр (кун ҳисобида);

Самарали даромадлилик, шунингдек облигацияларнинг қолган даврдаги даромадлилигини ҳам белгилаб беради, лекин бу ҳолатда йиллик ставка мураккаб фоиз бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Сўндириш муддати қанчалик яқин бўлса, облигацияларнинг иккиламчи бозордаги даромадлилиги шунчалик кам бўлади ва аксинча, бирламча жойлаштириш чоғида сотиб олинган облигацияларнинг даромадлилиги кўп бўлади. Дисконтли облигацияларни сўндиришнинг юз фоизлик кафолоти уларни корхона ва ташкилотлар учун фойда олиш нуктаи назаридан ҳам жуда жозибадор қилади.

Корхона облигациялари - тижорат кредити ва муносабатларининг асосий кууроли бўлиб, унда бир турдаги корхоналар қарздорлар, бошқа корхоналар ёки аҳоли эса, кредитор бўлишади. Корхоналар облигациялари саноат корхоналарини кредитлаш жараёнларида, яъни банклар берилган кредитларга қарши улардан янада майда суммаларга бўлинган қарз мажбуриятлари (облигациялар) ни олган вақтларда пайдо бўлди. Саноат облигациялари ўрнига бериладиган бундай кредит кўпинча банк кредитининг бошқа турларига қараганда арзонроқ бўлган. Саноат облигациялари бўйича, одатда, анча юқори фоизлар тўланар эди. Чунки облигациялар бўйича фоиз тўловларини корхонанинг солиққа тортилдиган фойдасидан чиқариб ташлаш мумкин бўлиб, акциялар бўйича дивидендлар эса, солиққа тортилар эди. (26)

Белгиланган даромадларга эга бўлган корхоналар облигацияларининг жозибадорлиги шунда намоён бўладигани, улар акциялардан фарқли ўлароқ, ўз номинал қийматидан паст бўлган курсда сотилиши мумкин, масалан, 1000 сўм ўрнига 970 сўмга. Нархнинг бундай арзонлашуви *дизажиро* деб

номланади. Шунингдек, облигацияларни сўндириш номинал бўйича эмас, балки анча юқори бўлган бозор нархида ўтказилиши тўғрисида келишувга эришиш ҳам мумкин, масалан, 1000 сўм ўрнига 1025 сўмдан. Устама ҳақи, ёки **ажиро** облигацияларнинг тегишли муддатида (фоизли тўловлар билан бир қаторда) қўшимча даромадни ўзида номоён қилади.

Рендит (rendite) - облигацияларининг умумий даромадли облигациялари шартларини баҳолашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Одатда, омонатчилар мазкур қимматли қоғозларни уларнинг номиналидан фарқ қилдиган нархда харид қилишади. Шунинг учун рендит (даромад) ва облигация бўйича номинал фози бир - бирдан катта фарқ қилиши мумкин.

Белгиланган даромадли қимматли қоғозлар рендита қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Рендит} = \frac{\text{Номинал фоиз}}{\text{Эмиссия баҳоси}} \times 100$$

Фараз қилайлик, 8 фоизли облигация, 100 у.е.га тенг бўлган номинал қийматда эмас, балки 92 у.е.да сотилмоқда. унинг рендита 8,7 % га тенг бўлади.

Бунда облигацияни сўндириш муддати курсини назарда тутиш зарур. Фараз қилайлик, 10 йил тўлиши билан облигация 100 сўм курси бўйича тўланмоқда, яъни номинал баҳо бўйича. Ушбу 10 йил мобайнида облигация эгаси фиозларга қўшимча равишда 8 фоизга тенг бўлган курс фарқини олади (100-92), бу рендитнинг жамғарилишида мажбуриятларнинг бутун муддатига тенг қилиб тақсимланади. Бир йилга курс фойдаси 0,8 бандга тўғри келади (8:10), умумий йиллик рендит эса, 9,5 фоизни ташкил этади(8,7 +0,8).

Хазина мажбуриятлари - бу уларнинг эгалари томонидан бюджетга пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи ҳамда ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгиланган

даромадни олиш ҳуқуқини берувчи кўрсатувчи эгалик қиладиган давлат қимматли қоғозларидир.

Ўзбекистонда хазина мажбуриятларининг қуйидаги турлари чиқарилади:

1. **Узоқ муддатли** – 5 ва ундан ортиқ йил муддатга чиқарилиши мумкин (халқаро амалиётда улар Bond деган номни олишган).

2. **Ўрта муддатли** – 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга чиқариладиган (Note).

3. **Қисқа муддатли** – 1 йилгача, 3, 6 ва 9 ойгача бўлган муддатга чиқариладиган (Bill).

Депозит сертификати (ингл. Certificate of deposit) – бу пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгилинган муддат тугаганидан кейин депозит суммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир. (41)

Ўзбекистонда сертификатлар икки турда чиқарилади:

-депозит сертификатлари - юридик шахслар учун, 1 йилгача муддатга.

-депозит (жамғарма) сертификатлари – жисмоний шахслар учун, 3 йилгача муддатга.

Сертификатларнинг муомалада бўлиш муддати у берилган санадан бошлаб унинг эгаси омонатни талаб қилиб олиш ҳуқуқини оладиган санагача ҳисобланади.

Вексел (немисча Wechsel сўзидан) – бу вексел берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда кўзда тутилган муддат келганда вексел эгасига маълум миқдордаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. (21)

Оддий вексел (соло вексель) – бу қарздорнинг (вексел берувчининг) муайян пул суммасини кўрсатилган муддатда кредиторга (биринчи олувчига) тўлаш мажбуриятини ифодаловчи ҳужжат.

Ўтказма вексел (тратта) – бу вексел берувчи-кредитор (трассант)нинг қарздор (трассант)га маълум пул суммасини кўрсатилган муддатда учинчи шахс-биринчи олувчи (ремитент) га тўлаши буйруғини ифодаловчи ҳужжат.

Ўтказма вексель, агар у қарздор – тарссат томонидан акцептланган бўлса, қонуний кучга эга бўлмайди. **Акцепт** – (тўлаш учун розилик) ёзма равишда векселнинг устки томонидан амалга оширилади. Акцепт умумий ёки чегараланган (қисман) бўлиши мумкин. Қисмли акцепт – бу қарздорнинг вексель валютаси бир қисмини тўлаш учун ёзма равишдаги розилигидир. Вексел акцептланмаган ҳолларда ёки у бўйича тўловдан бош тортилса, вексел бўйича даъво қилиниши мумкин. Бунда унинг эгасида вексел бўйича эга бўлган олдинги шахсларга реграсс, яъни қайтарма талаб таркибида тўлаш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Ҳосила қимматли қоғозлар (ХҚҚ) – бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи ёхуд мажбуриятини олади.

Ҳосила қимматли қоғозлар нақд ҳамда нақдсиз шаклларда чиқарилиши мумкин. Нақдсиз шаклда чиқарилган ҳолларда улар глобал сертификат – ХҚҚнинг нақдсиз шаклидаги бутун нашрини тасдиқловчи депозитарийда сақланадган, шунингдек, бир марталик сертификат учун талаб этиладиган барча реквизитлар, ХҚҚ наشري эмиссияси ва муомаласининг умумий шартлари рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Опцион (немисча option сўзидан) – бу битимда иштирок этаётган томонларнинг бирига қимматли қоғозлар маълум бир миқдорини муайян вақт мобайнида белгиланган нархда сотиб олиш ёки контрагентга сотиш ҳуқуқини берувчи шартномадир. Контрагент эса, мукофат эвазига ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Опционнинг турларидан бири варрант (warrant) ҳисобланади.

Варрант – бу унинг эгаси маълум муддат давомида ёки маълум бир кунда варрантлар эмитенти томонидан даслабки чиқарилган қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Варрантлар муомалага чиқарилган ва учинчи шахсларнинг қўлида бўлган ёки эмитентнинг ўзи томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар бўйича чиқарилиши мумкин эмас. Базис активининг баҳоси қимматли қоғозлар номиналидан паст бўлган варрантларнинг эмиссияси тақиқланади.

Варрант элементлари варрантларнинг дастлабки эгаларига уларни харид қилиш учун тенг нарх шартларини таъминлаши керак. Варрант эгалари учун қимматли қозларни жойлаштириш нархи ушбу қимматли қоғозларни варрантлар эгаси бўлмаган самоядорлар томонидан жойлаштирилиши нархидан фарқ қилиши мумкин. Варрантлар билан операциялар қимматли қоғозларнинг биржа ва баржадан ташқари бозорларида бажарилиши мумкин.

Фьючерслар келишилган миқдордаги қимматликларни маълум вақт мобайнида битим тузиш вақтида белгиланган нархда етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни ўзида номоён қилади. Фьючерс шартномалари биржаларда сотиладиган қимматли қоғозларга ҳам, товарларга ҳам тақдим этилиши мумкин. (27)

Фьючерсларнинг асосий белгиси – нархнинг аниқлиги ва ижро этишнинг мажбурийлигидир. Фьючерслар шартнома бўйича сотиб олиннадиган қимматликка эгалик қилиш ҳуқуқининг бир қўлдан бошқа қўлга зудлик билан ўтказилишини назарда тутмайди. Фьючерсларнинг опционлар билан ўхшаш томони шундаки, уларнинг иккаласи ҳам фонд бойликларини келажакда сотиб олиш имконини беради. Фарқларга келсак, улар қуйидагилардан иборат:

1. Фьючерслар олди-сотди ҳужжати ҳисобланмайди; фьючерс-фонд бойликларини етказиб бериш қатъий мажбуриятидир.
2. Фьючерс белгиланган муддат тугаши билан мажбурий ҳисоб-китобни талаб қилади.

3. Фьючерс бўйича хатар, опционникига қараганда анча юқори, чунки фьючерс харидори опцион харидорларидан фарқли ўлароқ, опцион бўйича йўқотилган мукофотга қараганда анча катта суммани йўқотиши мумкин.

Ўзбекистон қонун ҳужжатларига кўра, фьючерс – маълум қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни шартномада белгиланган нархда маълум келажак санада сотиб олиш ёки сотиш учун сўзсиз мажбуриятни тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Базис активи биринчи марта муомалага чиқарилаётган қимматли қоғоз бўлган фьючерсларни чиқаришга йўл қўйилмайди. Фьючерслар фьючерс эмитентининг ўзи томонидан ёки учинчи шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни харид қилиши ёки сотиш мажбуриятини тадиқлайди. Фьючерслар ўз ҳуқуқини амалга оширишдан бош тортишни назарда тутувчи опционлардан ёки варрантлардан фарқли равишда, ижро этиш учун мажбурийдир. Фьючерс эгаси ё қимматли қоғозларни етказиб бериши ёки уни кейинги муомалада бўлиши учун контрагентга сотиши лозим.

1.3. Қимматли қоғозлар бозорининг амал қилиш механизми

Қимматли қоғозлар бозори - бу жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ муносабатлари тизимиди. Ҳар қандай бозор маконини икки қутбга бўлиш мумкин. Улардан бирида капитал етказиб берувчилар - бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни истовчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Иккинчисида эса - янги ишлаб чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш, ёки ишлаб турган қувватларни замоналаштириш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошланғич ёки қўшимча капиталга муҳтож бўлган бозор субъектлари туради. Капиталнинг

истеъмолчилари сифатида корхоналар, ташкилотлар, аҳоли, шунингдек, давлат давлат ҳам иштирок этиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорида биржа фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда инвестиция муассасалари махсус инфратузилмани ўзида намоён қилади.

Инвестиция муассасаларига инвестиция воситачилари, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция компаниялари, бошқарувчи компаниялар, қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини сақловчилар, депозитарийлар, қимматли қоғозларнинг номинал эгалари. Санаб ўтилган ташкилотлардан ҳар бири қимматли қоғозлар бозорида қатъий ихтисослашган фаолият турини бажариши лозим, шунга қарамай, айрим фаолият турларининг қўшилиб кетишига рухсат этилади. Мазкур ташкилотлар қимматли қоғозлар бозорида биржа фаолиятини кўрсатиш ёки мамлакат фонд бозори ҳолатига жавоб берувчи давлат идораси номидан инвестиция муассасаси сифатида операцияларни амалга ошириш учун мажбурий тарзда лицензияга эга бўлиши керак. (3)

Қимматли қоғозлар билан савдолар биржа бозорида ҳам, биржадан ташқари бозорда ҳам мазкур бозор иштирокчиларининг ўзлари ишлаб чиққан ва қонуний тартибда мустақамланган тамойиллар асосида амалга оширилади. Бундай тамойилларга қуйидагилар киради:

- қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битимларнинг ихтиёрийлиги;
- аниқ юзага келган талаб ва таклиф асосида нархларни белгилаш;
- қимматли қоғозлар бозорига оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;
- қимматли қоғозлар, уларнинг эмитентлари, нархлари, биржа ва биржадан ташқари битимлар ҳақидаги ахборотларни мажбурий равишда ошкор этиш;
- сармоядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш;

-қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва найрангбозликларнинг таъқиқланиши ва таъқиб қилиниши.

Фонд бозори қимматли қоғозларга нисбатан талаб ва таклифнинг таъсири остида юзага келган бозор нархларини аниқлаб беради. Агар қимматли қоғозлар бозорида курслар ўзгариб бурса, бу умуман у ерда олибсотар ва ўйинчилар қинғир ишларни қиляпти дегани эмас. Қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши барча янги ахборотни корхонада даромадлилиги истикболларининг сўнги баҳоланишига узлуксиз жалб этилишидан келиб чиқади. (19)

Фонд бозорини бирламчи ва иккиламчи бўлақларга ажратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори – бу қимматли қоғозлар эмиссиясини ва бирламчи жойлаштирилишини амалга ошириш, яъни қимматли қоғозларни эмитент ёки унинг вакили томонидан дастлабки сармоядорга сотиш бозоридир.

Эмитент томонидан қимматли қоғозларнинг такрорий чиқирилиши ёки иккиламчи эмиссияси ҳам бирламчи бозор доирасига киради. Бирламчи бозорнинг энг муҳим тавсифи, эмитентлар томонидан ахборотнинг ошкор этилишидир.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори – бу илгари чиқарилган ва ҳеч бўлмаганда бир марта харид қилинган қимматли қоғозлар олди - сотдиси амалга ошириладиган бозордир. Айнан қимматли қоғозлар иккиламчи бозорнинг ривожланиш даражасига қараб, шу мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг тараққий этиш даражаси тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Иккиламчи бозорнинг асосий кўрсаткичларидан бири ликвидлилик ҳисобланади. Бозорнинг ликвидлиги - бу маълум вақт оралиғида бозор нархларининг кам миқдорда ўзгариб тургани ҳолда қимматли қоғозларнинг қатта қисмини юқори суръатда айланишини таъминлаш имкониятидир.

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори – бу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан операциялар билан савдо ташкилотчиларининг ушбу битим предмети ва унинг иштирокчиларига нисбатан қўйган талабларига риоя этилмаган ҳолда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг биржа бозори – бу қимматли қоғозлар билан фонд бозори доирасида уюшган тарзда савдо қилиш соҳасидир. Фонд биржаси қимматли қоғозлар билан фонд биржаси доирасида савдо қилиш учун шарт-шароитларни таъминловчи алоҳида муассаса бўлиб, унда савдо фақат қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари тамонидан махсус қоидалар бўйича олиб борилади. **Фонд биржаси** - бу энг яхши қимматли қоғозлар бозоридир. Биржа савдоларида иштирок этиш учун фақат маълум вақт мобайнида барқарор молиявий - хўжалик мавқеига, салмоқли низом жамғармаси ва активлар ҳажмига эга бўлган, шунингдек, биржа тамонидан белгиланган айрим бошқа талабларга жавоб берадиган эмитентларнинг акцияларига рухсат этилади. Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг биржа бозори иккита муассаса орқали амалга оширилади. «Тошкент» Республика фонд биржаси ва унинг вилоятлардаги 13 та бўлинмаси, у корпоратив қимматли қоғозлар савдосини ташкиллаштиради ҳамда Республика валюта биржасининг фонд бўлими, у давлат қисқа муддатли облигацияларининг савдо бўйича ихтисослашган. Ўзбекистондаги акциялар биржа бозорининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг катта қисмини давлат қархоналарини хусусийлаштириш натижасида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини бирламчи сотиш бўйича тузилга битимлар ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори - бу фонд биржасидан ташқарида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш соҳасидир. Биржадан ташқари бозор уюшмаган бозорни ва уюшган бозорнинг бир қисмини ўз ичига олади. Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган

бозори - бу қимматли қоғоз билан, одатда, ўрта ва кичик компаниялар қимматли қоғозлари савдоларига киришга рухсат этилган махсус компьютер тизимлари доирасида савдо қилишдир.

Қимматли қоғозларнинг минтақавий, миллий ва халқаро бозорлари.

Қимматли қоғозларнинг миллий бозори деганда, фонд бойликлари билан давлат доирасида савдо қилиш соҳаси тушунилади. Мазкур бозорлар резидентларнинг ўзаро қимматли қоғозлар билан савдосини қамраб олади.

Қимматли қоғозларнинг халқаро бозори – бу жаҳон миқёсида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш (норезидентлар ўртасида қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича операциялар бажариш) соҳасидир. Бундай савдонинг мумкинлиги, биринчидан ушбу соҳада ҳукуматлар аро қелишувларнинг мавжудлиги билан, иккинчидан, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишнинг ягона қоидалари мавжудлиги билан ифодаланади. Қимматли қоғозлар билан халқаро савдо қилиш натижасида капитал бир мамлакатдан иккинчисига оқиб келади. Бунда эмитентлар ва сармоядорлар, битим иштирокчилари сифатида, ҳам бир томондан, ҳам иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлатнинг ўзи қатнашиши мумкин. (20)

Халқаро бозорларида ўзлаштирилган сармоя маблағлари умумий ҳажмининг катта қисми облигацияларга тўғри келади. Валюта таркибига кўра халқаро облигация бозорининг 50 фоизидан кўп қисми америка доллари ва япония иенасига тўғри келади.

Акциялар бозори. Бу бирламчи бозор бўлиб, унда беш мингга яқин эмитентлар ва миллионлаб сармоядорлар юридик ҳамда жисмоний шахслар иштирок этади. Эмитентлар бир-бирларидан ўзларининг катталиги жиҳатидан фарқ қилади. Ходимларнинг сони 5-6 кишидан иборат бўлган, 500 минг сўмгача миқдорда низом жамғармасига эга бўлган кичик дорихоналардан тортиб то ишчилар сони бир неча минг кишини ташкил этадиган ва 70 млрд. сўмгача миқдорда низом жамғармасига эга бўлган энг

йирик комбинатлар шулар жумласидандир. Акциялар бозори асосан давлат корхоналари негизида барпо этилган акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди - сотдиси бўйича қилинадиган операциялардир. Бу биржадан ташқари бозордир.

Давлат облигациялари бозори. Фонд бозорининг мазкур сегменти битимлари бўйича айланмалар бир йилда бир неча ўнлаб миллиардгача етади. Ушбу бозорда товарни битта шахс давлат чиқаради. Харидорлар бу ерда жуда кўп – юз минглабни ташкил этади. Бу бирламчи ва иккиламчи бозор бўлиб, фақат бозоридир. Унда фақат юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари иштирок этиши мумкин. Операциялар фақат бир жойда – Республика валюта биржасининг фонд бўлимида амалга оширилади. Сармоядорлар мазкур бозорда облигацияларни фақат дилерлар орқали сотиб олишлари мумкин. Дилерлар вазифасини, одатда, банклар бажаради. Давлат қимматли қоғозларни сўндирилишининг кафолатини таъминлайди, шунинг учун бу бозор энг ликвидли саналади. Давлат облигациялари бозори Молия вазирлиги томонидан тартибга солинади, қимматли қоғозларни жойлаштириш, уларнинг муомалада бўлиши ва улар нархининг тўланиши Марказий банк ёрдамида амалга оширилади. Бу бозорнинг афзаллиги шундаки, унда транзакцияларга хизмат кўрсатувчи ўзаро боғланган савдо, депозитар ва ҳисоб-китоб тизимлари мавжуд. (5)

Корхоналар облигациялари бозори. Бу нисбатан ёш бозор бўлиб, унинг ҳажми анча кичик, чунки унда фақат бир неча эмитентлар ўзларининг облигацияларини муомалага чиқаради. Мазкур қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ҳозиргача ривожланмаган. Ушбу бозорда фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари иштирок этади. Корхоналар облигациялари биржадан ташқари бозорда ҳам, фонд биржаларида ҳам сотилиши ва харид қилиниши мумкин.

Банкларнинг депозит ва жамғарма сертификатлари бозори. Бу бозор унча катта бўлмаган, бир йил давомида борқўйғи ярим млрд. сўмни ташкил

этадиган айланма маблағлари билан тавсифланади. Бу ерда қимматли қоғозларнинг эмитентлари тижорат банкларидир. Уларнинг сони бир нечагина, холос. Сармоядорлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, улар бир неча мингтани ташкил этади. Бу биржадан ташқари бозордир. Депозит ва жамғарма сертификатларининг бозори Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Оддий кимошди савдоси. Савдолар олиб боришнинг бу усулида фақат харидорлар мусобақалашади. Сотувчилар тўғридан-тўғри рақобатлашмайди. Савдолар бошланишидан олдин харид қилиш ва сотиш учун буюртмалар йиғилади ҳамда буюртмалар рўйхати тузилади. Савдолар таклифлар рўйхатининг очикча кетма-кетлик билан эълон қилиниши орқали амалга оширилади. Ҳар бир аниқ таклиф бўйича янги нархларнинг белгиланиши йўли билан харидорларнинг баҳслашуви очик кечади. Бошланғий нархни одатда сотувчи белгилайди. Сўнги нарх бу – харидорлар томонидан даъвогарлар рақобатлаша олмайдиган даражадаги очикча таклиф этилган баҳодир.

Қўшалок кимошди савдоси. Улар онкол бозорида ва узлуксиз кимошди савдолари бозорларига бўлинади.

Савдо-сотикнинг мазкур усуллари Европа фонд бозорларида ишнинг қўшалок тартибини ташкил этиш учун қўлланилади: биржа савдолари бошлангунга қадар ҳамда уларнинг очилиши вақтида онкол бозори тизими бўйича буюртмалар жамғарилади ва қондирилади, сўнгра эса, узлуксиз кимошди савдоси амалга киради.

Онкол бозорлари. Савдоларни олиб боришнинг бундай усулида харид қилиши ҳақида буюртмалар ва сотиш учун таклифлар жамланади, улар сўнгра нарх таклифлари, келиб тушиш кетмакетлиги ҳамда миқдор юйича тақсимланади. Кўрсатилагн галма-галликда буюртмалар қаноатлантирилади. Бир-бирига мос тушган буюртмалар қиёсланади. Белгиланган қоидаларга кўра расмий курс – буюртмалар ва таклифларнинг энг кўп миқдорини

қаноатлантириш мумкин бўлган нарх белгиланади. Ушбу буюртмалар қаноатлантирилганидан кейин қолган мавқелардан амалга оширилмаган буюртмалар ва таклифларнинг рўйхати шаклланади.

Узлуксиз кимошди савдоси. Савдоларни юритишнинг бундай усули савдоқсотикнинг катта хажмига эга бўлган Европа фонд биржаларида қўлланилади. Бундай бозорлар харид қилиши учун буюртмалар ва сотиш ҳақидаги таклифларнинг узлуксиз оқимига эга бўлиб, бу буюртма ва таклифлар рўйхатга олиш ваколатига эга бўлган, сотувчилар ҳамда харидорлар топшириқларини ўзаро муносабатга келтирувчи шахслар томонидан рўйхатга олинганлари билан солиштирилади, агар улар мос келса, у ҳолда келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича қаноатлантирилади. Бординю улар бир вақтда келиб тушган бўса, сумма жиҳатдан катта бўлаган топшириқлар бажарилади. (14)

Дилерлик бозори. Мазкур бозорлар сотувчилар таклифлар нархлари ва қимматли қоғозларни харид қилиш жойларига кириш тартиби ҳақида очиқча эълон қилишади. Нарх таклифлари ва сармоялашнинг бошқа шароитларига рози бўлган харидорлар ўз мақсадларини билдиришади ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олишади. Сотувчилар ўзи эълон қилган нархлари бўйича исталган шахс билан битим тузиш мажбуриятиги эга.

Дилерлик бозорлари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

А) қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштирилиши чоғида;

Б) тендер таклифлари вақтида (йирик сармоядорларнинг қимматли қоғозларни, масалан, эмитент устидан назоратни қўлга киритиш ёки бошқа қўламли молия операциясини амалга ошириш мақсадида акцияларни ўртача бозор нархидан юқори нархларда харид қилиш ҳақида очиқча таклифи чоғида).

Дилерлик бозорларини шу тариқа қуйидаги бозорларга ажратиш мумкин:

-локаллаштирилган бозор – масалан, нақд пулга сотишнинг бир неча локал жойларининг тайнланиши;

- тақсимланган бозор – сармоядорлар, қимматли қоғозлар тоифалари, тўлов шакллари бўйича бозор жойларидан тақсимлаш тармоғини барпо этиш;

- узайтирилган бозор – тижорат ёки жамғарма банкининг филиал тармоғида қимматли қоғозлар ҳар хил турларининг доимий таклифи барпо этилган вақтда. Мижозлар ушбу тармоққа бошқа хизматлар юзасидан – кредитлаш, ҳисоб-китоблар бўйича мурожат этишади, бироқ уларнинг бир қисми, кўпроқ таваккалчилик билан, қимматли қоғозларни ҳам сотиб олишади. (7)

Қимматли қоғозларнинг эмитентлари - бу қимматли қоғозларни чиқарувчи ва қимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан ушбу қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятларга эга бўлган юридик шахслар, давлат идоралари ёки маҳаллий маъмурият идораларидир. Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, шунингдек, давлат, маҳаллий ҳокимият идоралари эмитентлар сифатида қатнашишлари мумкин. Эмитентлар қимматли қоғозларни муомалага чиқаргач, уларнинг эмиссия проспектини албатта рўйхатга олиш учун вакил этилган давлат идорасида рўйхатдан ўтказиши керак.

Қимматли қоғозлар эмиссияси икки шаклда амалаг оширилади:

а) қимматли қоғозларни сармоядорларнинг имконият жиҳатдан чегараланмаган доираси ичида очикча – матбиот эълон қилиш, реклама компаниясини ўтказиш ва эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштириш;

б) олдиндан маълум бўлган сармоядорлар ўртасида ёпиқ - очик эълон қилмасдан, реклама компаниясини ўтказмасдан ва эълон қилмасдан жойлаштириш.

Холдинглар - бу очик турдаги акциядорлик жамиятлари бўлиб, уларнинг активлари таркибига бошқа корхоналар акцияларининг назорат

пакетлари киради. Акцияларнинг назорат пакети корхона сармоясида иштирок этишнинг исталган шаклини ўзида номоён қилиб, у корхона иштирокчиларининг умумий йиғилишида муайян қарорларни қабул қилиш ёки ард этишнинг сўзсиз ҳуқуқини таъминлайди.

Хорижий сармоядорлар. Уларга хорижий фуқаролар, юридик шахслар, хорижий давлатлар киради. Хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида сармоядор сифатидаги фаолияти махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Улар қимматли қоғозларни ҳам биржа, ҳам биржадан ташқари бозорларда харид қилишлари мумкин. Хорижий сармоядорлар томонидан стратегик тармоқлар корхоналари акцияларининг кўп ёки камроқ йирик пакетларининг сотиб олиниши ҳақидаги масала мажбурий тарзда Ўзбекистон ҳукумати билан келишади. (17)

Инвестиция муассасалари – бу уларнинг асосий фаолият тури қимматли қоғозлар билан операциялар қилишдан иборт бўлган хўжалик юритувчи субъеклардир. Инвестиция муассасалари – бу қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол профессионал иштирокчиларидир. Улар сафига инвестиция воситачилари, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари, депозитарийлар, ҳисоб-китоб клиринг палаталари акцияларнинг номинал эгалари киради.

Фонд биржалари. Фонд биржалари - бу фонд бозорларининг юқори савияда ташкил этилган тизимларидир. Улар қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг қимматли қоғозлар билан битимлар тузиши учун шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган. Фонд биржаларининг қимматли қоғозлар бозорининг муассасалари сифатида ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг ўзлари қимматли қоғозлар билан операцияларни бевосита амалга оширмайди, фақат фонд бозорининг профессионал иштирокчиларига битимлар тузиш учун шарт-шароитлар яратади. Фонд биржаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид масалалар атрофлича ёритилиб берилган.

II-Боб. Сармоялар бозорида қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга ошириш босқичлари

2.1. Сармоялар бозоридаги қимматли қоғозлар

Сармоялар бозорини кўриб чиқишга ўтишдан олдин иккита муҳим мулоҳазани билдирмоқчимиз. Биринчидан, бозор ўзгаришлари даврида мамлакатимиз дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборида турибди, зеро улар ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий вазиятни доимо кузатиб ва муҳокама қилиб турадилар. Ривожланаётган мамлакатларда узоқ муддатли сармоялар бозорлари асосан халқ хўжалинини шаклланиши учун зарур бўлган катта ҳажмдаги сармояларни тўплаши лозим. (12)

Сармояга бўлиш узоқ муддатли эҳтиёжларни молиялаш учун айнан шу сармоялар бозорининг воситалари, яъни қимматли қоғозларнинг акциялар, заёмлар, облигациялар каби ва биржада биринчи навбатда айланадиган бошқа хиллари тўғри келади. Иккинчидан, сармоячилар бозорининг воситалари ҳақида гапирганда қуйидаги икки ҳолатни кўзда тутиш керак.

Бир томондан улар молиялаш воситаси ҳисобланади. Бу вазифанинг афзаллиги шундаки, катта ҳажмдаги сармоя унинг бирламчи бозордаги акциялар ёки заёмлар кўринишидаги шакли (хусусий ёки қарз сармоя)га монанд жойлаштириш мақсадида майда улушларга бўлиб юборилиши мумкин. Бошқа томондан, сармоялар бозорининг воситалари оқибат натижада сотиш учун қимматли қоғозларга қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш имконини беради. Бунда ҳар қандай инвестор учун ўз маблағларини исталган вақтда тез инвестициялаш имконини эмас, балки уларни тез сотиш имконияти ҳам аҳамиятли.

Сармоялар бозорининг асосий молиявий воситалари корпорациялар ва маҳаллий ҳукумат облигациялари, акциялар, кафолат кредити, ўрта ва узоқ

муддатли хазина мажбуриятлари ва заёмларнинг бошқа турлари ҳисобланади.

Сармоялаш - қимматли қоғозлар бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги кўламни ифодаладиган кўрсаткич. Корхонани сармоялаш, биржавий сармоялаш ва мамлакат иқтисодиётини сармоялаш фарқланади.

Сармоялаш қимматли қоғоз курсини уларнинг муомаладаги сонига кўпайтириб топилади. Масалан, n миқдордаги акция чиқарган корхона учун акция курси k бўлганда биржа қиймати қуйидаги тенгликдан топилади:

$$S = n \times k$$

Ўзбекистон иқтисодиётини сармоялаш йил бошида давлат қимматли қоғозларини ҳисобга олмаганда тахминан 1 млрд, АҚШ долларини ташкил этди. (15)

Фондлар биржасида узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг икки тоифаси айланади:

1) фоиз ставкаси қатъий белгиланиш ва дастлаб қўйилган суммани келгусида маълум муддатда қайтариш мажбурияти мавжуд қарз қимматли қоғозлари (бундай қоғозлар ичида асосий биржа товари облигациялар ҳисобланади);

2) қимматли қоғоз эгасининг корхона мулкидаги улуши ифодаладиган улушли сармоя қимматли қоғозлари (бундай биржа товари барчага маълум акциялар ҳисобланади).

Облигацияларнинг номинал (ўзига ёзилган) нархи қайтариб олиш нархи ва бозор нархи бўлади.

Номинал нарх облигациянинг ўзига ёзиб қўйилади ҳамда кейинги қайта ҳисоблашлар ва фоизларни чиқариш учун асос бўлади.

Қайтариб олиш нархи - заём муддати тугаганидан сўнг эмитент облигацияни қайтариб оладиган нарх номинал нархдан фарқ қилиши мумкин.

Бозор нархи заёмнинг ўз шартларига ва ушбу қимматли қоғоз турининг бозорда нарх белгилаш шартига қараб аниқланади. Облигациянинг

номиналига нисбатан фоизларда ифодаланган бозор нархи облигация курси деб аталади. Одатда, номинал қиймати 100 ёки 1000 пул бирликларидан кичик бўлган облигациялар "болача" деб аталади, чунки улар фақат кенг инвесторлар доирасини жалб қилиши учун қўшимча аҳамиятга эга, холос. Кўпчилик мамлакатларда облигациялар купонли қилиб чиқарилади; купонларда облигация бўйича ҳар йиллик даромад белгилаб қўйилади.

Заёмни таъминлаш усулига кўра облигациялар қуйидаги хилларга бўлинади:

- мулкӣ гаров билан ("тилла" облигациялар, олтин-валюта активлари билан таъминланган ва индоссирланган, бир фирма чиқариб, иккитаси кафолатлайдиган; тўлиқ ва қисман облигациялар, кема облигациялари);

- бўлажак кафолат тушумлари шаклидаги гаров билан (муниципал облигациялар, давлат компанияларининг, хайрия ва жамоат фондларининг облигациялари);

- бўлғуси хўжалик фаолияти тушумлари шаклидаги гаровли (қайтариб олиш фондли облигациялар);

- муайян кафолат мажбуриятли (траст таъминотли облигациялар ёки обуна сертификатлари).

Айланиш тарзига кўра, облигациялар оддий ва конвентирланадиган хилларга бўлинади; кейингиси облигация эгасига уни ўша эмитентнинг акциясига алмаштириш ҳуқуқини беради; у хусусий ва заём сармояси орасидаги ўтиш шакли ҳисобланади. (29)

Муомалада юриш тарзи бўйича "айланишдаги акциялар", яъни фондлар бозорида доимо айланиб юрадиган эмитент акциялар ва "мажмуадаги акциялар", яъни уларни чиқарган компаниялар тасарруфида турадиган акциялар фарқланади.

Тасарруф тарзига кўра, номи ёзиладиган ва оқ акция хилларига бўлинади.

Эмиссия шартларига ва акциядорларга бериладиган ҳуқуқларга кўра, акциялар: а) ҳар бири биттадан овоз бериш ҳуқуқига эга; б) плурал ёки "кўп овозли"; в) "овозсиз" хилларга ажратилади.

Акцияларнинг "актив" деб аталадиган алоҳида тоифаси ҳам бор. Булар - биржаларда доимо айланиб юрадиган (муомалада юрадиган) акциялар; айнан шу акциялар бозордаги вазиятни амалда белгиловчи индикатор ҳисобланади,

"Рестриктив" акциялар эгасига уларни узиш ҳуқуқини беради: узиш шартлари ва муддатлари уларнинг дастлабки эмиссиясида белгиланади.

"Конвертирланадиган" ("алмаштириладиган") деб аталувчи акциялар ҳам мавжуд; буларни олдиндан белгиланган нарх бўйича муайян даврда бошқа акцияларга алмаштириш мумкин. "Сузувчи курс" (ёки ўзгарувчи курс)ли акциялар ҳам шуларга яқин; булар юзасидан дивиденд тўловлари фоиз даражасига бевосита боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Республикамизда муомалага чиқариладиган акциялар, уларнинг эмитентлари, "Тошкент" республика фондлар биржаси расмий бюллетенига кирадиган акцияларнинг рўйхати ҳақидаги ахборот даврий матбуотда мунтазам эълон қилинади.

Қимматли қоғозлар бозори турли иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини акс эттиради. Оқибат натижада акциядорларни икки тоифага бўлиш мумкин: акцияларнинг эгалари ҳамда номинал акция эгалари орқали акция эгалари ҳисобланган шахслар

Акциядорларнинг биринчи гуруҳи қимматли қоғозларга доир битимларни тузади ёки уларга оид операциялар бўйича бевосита эмитентга ёки унинг агенти - акция тугаб турувчига ё бўлмаса, акциядорлар рўйхатини сақловчига [бундан кейин - рўйхатни (реестрни) тутиб турувчи] бошқа фармойишларни беради. Бу гуруҳ эмитентнинг манфаатлари учун ва рўйхатдан ўтказилган шахслардан олинган фармойишлар асосида эмитент акциядорлар деб ҳисобланишга ҳақиларнинг аниқ рўйхатини олиб боради.

Акциядорлар билан "эмитент ўртасидаги муносабатлар бевосита ёки реестрни тутиб турувчилар орқали амалга оширилади.

Акциядорларнинг иккинчи гуруҳи уларнинг қимматли қоғозларини ўз номларидан тутиб турадиган номинал ушлаб турувчиларга эга.

Рўйхатни тутиб турувчи акциядорни ўзининг номинал тутиб турувчиси қилиб тайинланганлиги ҳақидаги хабарни олганидан сўнг рўйхатни тутиб турувчи шу акциядорга тегишли акцияларни брокер номига қайд қилиб қўяди. Ўз навбатида, брокер қимматли қоғозлар ҳисоб варағини акциядор номига очади. Акциядор акцияларга доир, шу жумладан акцияга эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказишга оид барча фармойишларни ўзининг номинал акция тутиб турувчиси ҳисобланган брокерга жўнатади. (17)

Акциядорнинг эмитент билан муносабатлари брокер орқали амалга оширилади ёки брокер акция эгалари ҳақидаги маълумотларни эмитентга ёки рўйхатни тутиб турувчига жўнатади, бу эса акциядорларнинг дивидендларни олиш, эмитентнинг молия - хўжалик фаолияти натижалари билан танишиш, овоз беришда қатнашиш каби ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан эмитент билан акциядорлар ўртасидаги бевосита муносабатни таъминлашга имкон беради.

Брокер эмитент билан ҳам, акциядорлар билан ҳам бевосита муносабатда бўлади. Брокерлар ва бошқа шахсларнинг топшириғи бўйича эгалик қиладиган акцияларнинг номинал тутиб турувчилари қилиб махсус депозитарийни тайинлайди.

Бу ҳолда номинал эгаликнинг икки хили мавжуд. Брокерлар ва акциядорлар номинал акция тутиб турувчилар ҳисобланади. Махсус депозитарий, ўз навбатида, брокерлар учун номинал акция тутиб турувчилар ҳисобланади. Брокерлар ҳамда акциядорлар эмитент билан воситачилар орқали муносабатда бўлади.

2.2. Қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш босқичлари

Қимматли қоғозларга доир (бошқа товарлар каби) операциялар бир неча босқичда амалга оширилади, уларни асосийлари қуйидагилар:

- битим тузиш;
- тузилган битим кўрсаткичларини солиштириб чиқиш
- клиринг;
- битимни ижро этиш, яъни тўловни амалга ошириш ва шунга яраша қимматли қоғозларни топшириш.

Битимнинг биринчи босқичи шартнома тузишдир. Бунда асосан қимматли қоғозлар борасида тузиладиган битимларнинг энг кенг тарқалган тури - олди-сотди шартномаси ҳақида гап юритилади.

Қимматли қоғозларнинг олди-сотди шартномаси шу қоғозларнинг эгалари бўлган инвесторлар орасида бевосита тузилади. Олди - сотди битимларида брокерлар комиссия шартномаси асосида коммиссионерлар (воситачи) ёки тошпирик шартномасига биноан ишончли вакил сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Брокерлик операцияларинг бу икки тури кўринишдан бир-бирига ўхшашсада, бироқ қатор муҳим фарқларга ҳам эга.

Ҳозирги фондлар бозорида "охирги" инвесторлар орасидаги кўпчилик битимлар брокерлар воситасида амалга оширилади. Бунинг устига одатда, брокерлар бунда коммиссионерлар сифатида фаолият кўрсатади.

Комиссия шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, брокер (коммиссионер) ўз мижози (комитент)нинг номидан эмас, балки унинг ҳисобига топишириғига кўра иш юритади. Коммиссионер комитент билан тузилган шартномани бажариб, олди-сотди битимини ўз номидан амалга оширади. (25)

"Охирги" сотувчи ва "охирги" харидор сифатида ҳам одатда брокер-комиссионерлар иш юритганлиги муносабати билан олди-сотди битими ҳам шу брокерлар ўртасида тузилади.

Олди - сотди битимларини тузишнинг доимий ва бир хил қоидаларини ўрнатишга ёрдам берадиган энг машҳур ташкилий шакли - бу фондлар биржаси ҳисобланади. Ҳар қандай фондлар биржасининг иш тартиби иштирокчиларнинг қатъий профессионал таркибда бўлишни, савдо тадбирларида аниқликни, битимлар тузишни махсус жиҳозланган муайян жойда ва қатъий белгиланган вақтда амалга оширишни, профессионал ҳамжамиятларининг қаттиқ назорат ўрнатишини, давлат бошқарув органлари томонидан қатъий тартибга риоя қилинишини кўзда тутди.

Биржа бозорида олди-сотди шартномасини тузиш техникаси турли-туман. "Классик" фондлар биржаларида битимлар биржа савдоси иштирокчилари ўртасида оғзаки шаклда ёки андоза хат алмашилиш йўли билан тузилади. Савдо жараёни электрон техника ёрдамида ўтказиладиган фондлар биржасида битим тузиш факти биржанинг марказий савдо компьютерида қайд қилинади.

Биржадан ташқари бозорда ҳам битимлар тузишнинг бир неча асосий усуллари бор: оғзаки (телефон орқали, бунда гаплашув магнит лентага ёзиб олинади), телекс бўйича, махсус: электрон тармоқ (масалан, "Рейтер-Дилинг") орқали.

Ҳозирги замон фондлар биржасида битимлар 2 ёқлама ёзма ҳужжатнинг икки томонлама бир вақтда имзоланиши камдан кам юз беради.

Битим биринчи босқичнинг якуни иштирокчиларнинг ҳар қайсиси томонидан битим" тузилганлиги фактини ва унинг асосий кўрсаткичларини акс эттирадиган ўз ички ҳисобга олиш ҳужжатларининг тузиш иши ҳисобланади. Олди-сотди шартномасини тузиш куни профессионал адабиётда "Т" харфи билан белгиланади (инглизча 'trade' -"битим" сўзидан олинган).

Битимдаги бошқа барча босқичлар кейинроқ юз беради, буни эса биринчи босқич "Т" кунига нисбатан олиш қабул қилинган. Шунинг учун керакки, сотиладиган қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқи олди-сотди битими тузилган эмас, балки у ижро этилган пайтда янги эгасига ўтади. Бу муддатга қадар битимнинг барча босқичлари мобайнида сотиладиган қимматли қоғозларнинг эгаси сотувчи бўлиб қолаверади.

Солиштириб кўриш - иккинчи босқич. Олди-сотди бозорининг иккинчи босқичи - профессионал фондлар бозорида "солиштириб кўриш" ёки тўлиқ айтиладиган бўлса, тузилган битим кўрсаткичларини солиштириб (текшириб) кўриш (trade comparison pade mathing) деб аталади. Бу босқич томонларга тузилган битимнинг моҳияти ва мақсадини тушунишдаги барча тасодифий тафовутларни бартараф этишга имкон бериш вазифасини ўтайди. Бу эса битимлар оғзаки (шахсан ёки телефон орқали) ёки хатлар алмашилиши йўли билан тузиладиган бозорларда жуда муҳимдир. Чунки тушуниб етмаслик ва техник хатоларга айнан шундай тизимларда йўл қўйилиши мумкин. (23)

Солиштириш босқичида томонлар ўз ички ҳисоб ҳужжатларини (биринчи босқич натижалари бўйича расмийлаштирилган) контрагентдан олинган солиштириш ҳужжатлари билан таққослайди. Агар тафовут бўлмаса, солиштириш муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

Битим тузиш техникасига боғлиқ ҳолда, иккинчи босқичнинг якуний ҳужжати - ёзма хатлар ёки контрагентнинг телекс мазмуни туширилган қоғози, махсус солиштириш ташкилотининг муваффақиятли таққослашини тасдиқловчи компьютер файллари ёки ёзма ҳужжатлари (солиштириш варақлари) бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатлар битим бўйича контрагентларга берилади, шунингдек битимнинг навбатдаги босқичи учун кириш ҳужжатлари вазифасини ўтайди.

Клиринг - учинчи босқич. Битим солиштириш босқичидан мувафакқиятли (ёки солиштиришсиз) ўтпшидан сўнг клиринг деб аталадиган босқич бошланади.

Клиринг деб, одатда, солиштиришдан сўнг бошланадиган ва бевосита битимни бажаришга киришиш олдида яқунланадиган талай тадбирлар мажмуига айтилади. Баъзи ўткинчи фикрларга зид ўлароқ, клиринг бевосита пул маблағлари ўтказишни ёки қимматли қоғозлар беришни ўз ичига олмайди. Клиринг - пул тўловлари ва фонд бойликларини етказиб беришдан олдин бажариладиган тадбирдир. Клиринг босқичи бир неча кетма-кет тадбирларни (ёки кичик босқичларни) камрайди.

Биринчи тадбир якуний солиштириш ҳужжатларининг ҳақиқийлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини таҳлил қилишдан иборат. Агар солиштириш босқичи компьютер файлларини шакллантириш билан яқунланса, клиринг шифрлаш калитини ва қабул қилинган ахборот муҳофазасини текширишдан бошланади.

Клирингнинг иккита тадбири ўтказилиши лозим бўлган пул суммаларини ва битим натижалари бўйича етказиб берилиши лозим бўлган қимматли қоғозлар сонини ҳисоблашдан иборат. Шунини таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар олди - сотдисини тузиш пайтида иккала томон ҳам ҳуқуқлар билан бирга мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Харидор сотувчидан ўзига тегишли қимматли қоғозлар миқдорини етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир вақтда тегишли пул суммасини тўлашга ҳам мажбур. Сотувчи қимматли қоғозларни қолдириш мажбуриятини олади ва ўзига тегишли пул суммасини талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. (30)

Ҳисоблаб чиқиш жараёни - бутун клиринг босқичининг энг муҳим тадбиридир. Тўланиши лозим бўлган суммаларни ва етказиб берилиши шарт қимматли қоғозлар сонини ҳисоблашнинг бир нечта усули мавжуд. Ҳисоблашларнинг аниқ усули ва тадбирини белгилашнинг асосий омили

муқобил талабларни ўзаро суриштириш ташкил этишда танланган усул ҳисобланади.

Ўзаро ҳисоб-китоб икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин. Икки томонлама ҳисоб-китоб жуда кам қўлланилади - асосан биржадан ташқари бозорда бир-бирига ишонадиган эски шериклар орасидаги муносабатларда, шунингдек иштирокчилар сони кам ВА обороти кичик ихчамроқ фонд биржаларида амал қилинади. Клиринг босқичидаги ўзаро суриштишни бундай усулида бир контрагент талабларидан иккинчи контрагент талабларини жуфтлаб (ҳар қайси контрагентлар жуфти бўйича) бир контрагент талабидан иккинчисининг талабини чиқариб (айириб) ташлаш токи белгиланган даврдаги барча битимлар ҳисобга киритилганидан сўнг бир контрагентнинг иккинчи контрагентга нисбатан соф қарздорлик сальдоси аниқлангунга қадар давом эттирилади. Бундай ҳисоблаб чиқариш пул воситалари, шунингдек қимматли қоғозлар (ҳар бир қимматли қоғоз бўйича алоҳида) бўйича ҳам бажарилиши мумкин.

Кўп томонлама ўзаро суриштиш ҳам икки хил бўлиши мумкин - клиринг ташкилотнинг ҳисоб-китобда томон сифатида иштирокисиз ва унинг иштироки билан. Кўп томонлама ўзаро суриштишнинг бу икки усулидан қайси бири қўлланилса ҳам ҳисоблаб чиқариш (клирингнинг иккинчи тадбири) клирингнинг ҳар бир иштирокчиси учун ҳисобга киритиладиган белгиланган давр мобайнидаги барча битимлар бўйича унинг ўз соф талаблари ёки соф мажбуриятларини калкуляция қилишдан бошланади. Бунда мазкур иштирокчининг барча талаблари ичидан унинг барча мажбуриятлари ҳисоблаб чиқарилади ва шу тариқа соф саль-до (қолдиқ) аниқлашди. (27)

Олинган сальдо (қолдиқ) "позиция" (мавқе) деб аталади. Агар сальдо нолга тенг бўлса, позиция (мавқеи) "ёпик", агар сальдо нолга тенг бўлмаса, позиция (мавқеи) "очик". Агар сальдо мусбат бўлса, яъни мазкур иштирокчининг талаблари ҳажми унинг мажбуриятлари ҳажмидан ошса,

клиринг иштирокчиси учун "узун позиция (мавқеи)" очик дейишади. Агар сальдо манфий бўлса, яъни клиринг иштирокчисининг оладиганидан берадигани кўп бўлса, унинг "позицияси (мавқе) калта" дейишади.

Клиринг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро суришишнинг натижалари бўйича ва пул маблағларига кўра ким калта мавқега (нетто-қарздорлар), ким узун мавқега (нетто-кредитор) эга эканлиги аниқланади.

Ўзаро суришишлар йўли билан аниқланган муқобил талаблар сальдоси (позиция) клиринг натижалари бўйича ҳар қайси иштирокчи битимнинг якунловчи босқичида қанча пул маблағлари суммаси ёки қимматли қоғозлар бериш ёхуд олиш лозимлигини билдиради. Бундай узил - кесил тўлов ёки етказиб бериш "мавқени тугатиш" ёки "мавқени ҳал қилиш" деб аталади. Битим - мавқеиси ҳал қилинганидан сўнг шу мавқе ҳисобига киритилган ва клиринг тадбиридан ўтган битимлар якунланган, уларга доир мажбуриятлар бажарилган ҳисобланади.

Клиринг босқичида битимлар иштирокчиларнинг соф мавқелари ҳисобланадиган кўп томонлама ўзаро суришиш механизми хорижий адабиётда "нэттинг" (netting) деб аталади.

Кўп томонлама ўзаро суришишнинг икки хили бир-биридан клирингнинг бу босқичида мавқени қандай қилиб ҳал қилиш мўлжалланганига қараб фарқ қилади.

Кўп томонлама ўзаро суришишнинг бир усулида клиринг барча иштирокчиларининг мавқелари ишлаб топилганидан сўнг қарздорлардан кредиторларга тўловлар сони қимматли қоғозлар етказиб бериш миқдорини минимумга келтирадиган иштирокчиларнинг "кредитор - қарздор" жуфтлари топилади. Мавқени ҳал қилиш бўйича узил-кесил ҳисоб-китобларда томонлар битим қатнашчиларнинг айнан ўзларидир. Бунда "кредитор - қарздор" жуфтини танлаш клирингнинг бир сиклидан иккинчисига ўтганда ўзгариш мумкин. Бу усул иштирокчилари доираси анчагина тор, тез-тез ўзгармайдиган, иштирокчиларнинг молиявий аҳволи, кредит бериш ва тўлаш

лаёқати тахминан тенг келган биржа ва биржадан ташқари тизимларда қўл келади.

Иккинчи усулда савдо иштирокчилари мавқеларини ҳал қилиши томон сифатида клиринг ташкилот фаолият кўрсатади. Бунда ҳар бир иштирокчининг мавқеини ҳал этиш клиринг ташкилотга қарши амалга оширилади - у барча қарздорлар учун ягона кредитлар ва барча кредиторларга нисбатан ягона қарздор вазифасини ўтайди, яъни барча қарздорлар мавқеларини ҳал қилиш клиринг ташкилот фойдасига тўлаш (етказиб бериш) йўли билан, барча кредиторлар мавқеларини ҳал этиш шу клиринг ташкилотдан пул маблағлари суммасини (қимматли қоғозларни) олиш йўли билан амалга оширилади. Савдо иштирокчилари мавқеларини бир-бирига қарши эмас, клиринг ташкилотга қарши ҳал этиш, яъни ижро этиш босқичида битимлар тузиш босқичдагига қараганда томонларни бутунлай алмаштириш хорижий адабиётда новэйшн (novation) деб аталади.

"Новэйшн" усули анча қулай, чунки битимларни ижро этиш босқичида ҳар бир иштирокчида фақат битта контрагент - клиринг ташкилот қолади; қарз суммаси ана шу ташкилот фойдасига ўтказилади ёки ундан ўзига тегишли маблағ суммаси (ёки қимматли қоғозларни) ундириб олинади.

Амалда кўпчилик клиринг тизимларда айнан шу но-вэйшн усули қўлланилмоқда. Бунга сабаб шуки, у нисбатан анча содда, қулай ва иштирокчилар сонига боғлиқ бўлмайди, шунингдек пайдо бўладиган таваккалчиликларни назорат қилиб турадиган ишончли тизимларни яратиш мумкиш.

Клирингнинг учинчи тадбири (кичик босқичи) ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришдан иборат; бу ҳужжатлар пулни ҳисоб-китоб қилиш тизимига ёки қимматли қоғозлар етказиб беришни таъминловчи тизимга ижро этиш учун жўнатилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатларининг шакли ва тўлдириш тартбини шу тизимлар бегилайди. Расмийлаштириладиган ҳисоб - китоб ҳужжатларининг сони, уларда кўрсатилган пул суммаси

(қимматли қоғозлар сони), тўловларни ва етказиб беришни амалга оширувчи томонларни аниқлаш олдинги поғонада ўзаро суришишнинг қандай усули қўлланилганлигига боғлиқ. Бу ҳисоб-китоб хужжатларини бажариш тегишли битимларни якунлаш (ижро этиш) ҳисобланади.

Битимни ижро этиш - тўртинчи босқич.

Ижро этиш (бажариш) - битимнинг охириги босқичи. Ижро этиш пул тўловини ва қимматли қоғозлар етказиб беришни кўзда тутди. Пул тўлови битим иштирокчилари танлаган пул ҳисоб-китоблари тизими орқали, қимматли қоғозларни етказиб бериш ҳам танланган тегишли тизим орқали амалга оширилади.

Битимни ижро этиш куни тегишли шартномани тузишда битим тузиш ҳақидаги икки томонлама хужжат матнида қайд қилинади. Лекин кўпинча қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчилари бундай муддатни битим тузиш билан уни ижро этиш орасидага вақтда танлашади; бозорда бу муддат бажариладиган барча қоидалар шу одатларга мувофиқ белгиланади ва амал қилади. Бозорни ташкил қилиниш даражаси қанча юқори бўлса, бу бозорда қўлланиладиган андоза муддатлар шунчалик аниқ ва бир хил бўлади. Фонд биржасида тузиладиган битимлар учун қатъий белгиланган тартиб бўлиши лозим; унда барча босқичларнинг ўтиши - битим тузилгандан бошлаб то якунлангунига қадар кўрсатилиши керак. Агар битим барча андоза муддатлардан энг қисқаси мобайнида ижро этилса, бунда гап "касса битими" ёки "спот" битами ҳақида кетади.

Битимларни ижро этишни ташкил қилишда риоя қилиниши лозим бўлган яна бир муҳим - "Тўловга нисбатан етказиб бериш" деб аталадиган қоида мавжуд. У ижро этиш босқичини ташкил қиладиган икки параллель жараёни - пул тўлови ва қимматли қоғозларни етказиб беришни синхронлаштириш (мувофиқлаштириш)га доир икки омилга тегишли.

III-Боб. Худудда қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати таҳлил ва такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Худуд қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик ҳолати таҳлили

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурдир.

Жумладан, акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда 2009 йилда акциядорлик жамиятларининг сони бирмунча камайгани ҳолда уларнинг умумий устав фондлари миқдорининг ортиши тамойили сақланиб қолди (1-жадвал). Ушбу тамойил кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4053-сонли Фармонида назарда тутилган талаблар билан боғлиқ бўлиб, Фармонга мувофиқ акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кам миқдори Марказий банк курси бўйича 400 минг АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этиши керак. Агар 2008 йил якунлари бўйича умумий устав фонди 4545,6 млрд. сўмни ташкил этган 1826 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатган бўлса, 2009 йил якунлари бўйича акциядорлик жамиятларининг сони 1619 тани ташкил этди, уларнинг умумий устав фонди эса 5805,1 млрд. сўмга кадар (127,7 фоиз) ўсди.

1 жадвал. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2005	2006	2007	2008	2009
Акциядорлик жамиятлари сони	2114	2017	1925	1826	1619
Акциядорлик жамиятларининг умумий устав фонди, млрд. сўм	2787,3	2996,4	3255,8	4545,6	5805,1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида 2010 йилда вилоят ҳудудидаги йирик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини 20% қисқартириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган: “Гулистонэкстрактёғ”ХЖда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 10 фоизни ташкил этди. Булар асосан асосий материаллар бўйича харажатлар 6,7 фоизга, маҳсулотни қайта ишлаш бўйича харажатлар 5,0 фоизга, давр харажатлари 8,0 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган.

“Собир Рахимов” МЧЖда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 60 минг дал маҳсулот ишлаб чиқарилган, маҳсулот таннархини камайтириш прогнози 7,2 млн сўм бўлиб, амалда 5,9 млн сўмни ташкил этди.

“Ховосдонмаҳсулот” АЖ жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 20 фоизни ташкил этди. Булар асосан энергия ресурсларини 5,7 фоизга, эксплуатация харажатларини 5,2 фоизга, ҳисобот даври харажатларини 5,2 фоизга, ҳамда бошқа харажатларни 1,9 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган.

“Оқолтиндонмаҳсулот” ХЖда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 4,9 фоизни ташкил этди. Булар асосан хом ашё ва материаллар нормасини 2,0 фоизга, бошқарув ҳодимлари сонини 0,2 фоизга, эксплуатация харажатларини 1,1 фоизга, ҳисобот даври харажатларини 0,4 фоизга, ҳамда бошқа харажатларни 1,3 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган. “Саппуна-текстил” кўшма корхонасида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича прогноз кўрсаткичи жорий йилнинг ўтган даврида 20 фоизга белгиланган бўлиб, амалда 12,0 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 январь 2003 йилдаги ПФ-3202-сонли Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли қарорига мувофиқ яъни корпоратив бошқарув жорий қилинган 2010 йил 1 январ ҳолатига 45 та акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, ушбу акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув органлари 197 та Кузатув кенгаши аъзоси, 145 та Тафтиш комиссияси, 65 та Бошқарув органлари ёки бошқарув раислари фаолият юримоқдалар. (1-илова)

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунинг 64-моддасига асосан корпоратив бошқарув органлари акциядорлик жамиятлари

акциядорларнинг ҳар йилги ҳисобот умумий йиғилишларида жамият
акциядорлари олдида ўзларининг ҳисоботларини бермоқдалар.

Натижада ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишлари
қарорларига кўра бошқарув раислари 8 та жамият бошқарув раислари билан
тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди, кузатув кенгаши аъзоларидан
30 аъзо, тафтиш комиссиясидан 20 аъзолар акциядорлар талабига биноан
алмаштирилди. 33 та жамиятда 1947350 минг сўмлик дивидендлар
ҳисобланди. (2-3-4- иловалар)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият
Қурилиш Академияси қошидаги Олий бизнес мактаби Корпоратив бошқарув
марказида жорий йилда 8 та корхонанинг раҳбар ва мутахассислари
корпоратив бошқарув тизими моҳиятини англаган ҳолда жойларда жорий
этиш усуллари билан танишиб, корхонани банкротлик аломатларидан
сақлаш мақсадида, молиявий аҳолини теран таҳлил қилиш ва Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришида зарур бўлган бошқа омиллар билан
танишиб қайтишди.

Ўзбекистон республикасида 2009 йил якунларига бўйича
акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш белгиланган бўлиб, 2010 йил
1 январ ҳолатига тўлиқ ўтказилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-
2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури
тўғрисида» ги ПҚ-29 қарорига асосан, жорий йилда 34 та (объект ва
улушлар) давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди.

Шунингдек жорий йилнинг IV-чораги мобайнида сотилиши белгиланган
топшириқ 7 та (объект ва улушлар) бўлиб, тўлиқ сотилди ва 100,0 фоизга
бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига
Сирдарё вилояти бўйича жами 6 та корхона ва объектлар киритилган. Ушбу
корхона ва объектлар жами 157,0 млн сўм инвестиция мажбурияти эвазига

инвесторларга бепул берилган эди. Бугунги кунда инвесторлар томонидан 166,7 млн сўмлик инвестициялар киритилиб, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига асосан вилоят бўйича жами 22 та давлат корхона ва объектлари инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши белгиланган эди. Шундан:

- 7 та давлат активи ва объектлари Ҳукумат қарори чиққунига қадар ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали сотилган;

- 1 та объект «Юлдузча» болалар боғчаси бузиб кетилганлиги сабабли Республика давлат тендер комиссиясининг 2004 йил 13 декабрдаги 09-11-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ унинг ер майдони тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ким ошди савдосига кўйилган;

- 11 та давлат корхона ва объектлари ўтказилган тендер савдоларида инвестиция мажбуриятлари эвазига «ноль» қийматда сотилган.

Ушбу корхона ва объектларда 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига ўтказилган мониторинг натижаларига асосан режада белгиланган 648,2 млн сўм ўрнига 675,4 млн сўмлик инвестиция киритилган ва режа 104,2 фоизга бажарилган.

- 3 та давлат объектларига Вилоят тендер комиссияси томонидан бир неча бор «Сирдарё ҳақиқати» рўзномаси ва Вилоят Телерадиокомпанияси орқали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришига қарамасдан инвесторлар томонидан қизиқиш билдирилмаётганлиги сабабли сотилмаган. Ушбу объектлар бўйича навбатдаги тендер савдолари 2010 йилнинг 26 январ куни бўлиб ўтиши белгиланган.

Ушбу объектлар бўйича алоҳида видео роликлар тайёрланиб вилоят телевиденияси орқали ҳар ойда 10 кундан ҳамда эълонлар кунига 2 маротабадан бериб борилган.

Республика тендер комиссияси томонидан киритилиши лозим бўлган минимал инвестиция миқдори жами 317,5 млн сўм миқдорида белгиланган бўлиб, ўтказилган тендер натижаларига асосан инвесторлар томонидан олинган жами мажбуриятлар 498,6 млн сўмни ташкил қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 майдаги 209-сонли қарори қабул қилингунга қадар вилоят бўйича жами 7 та давлат активи ва объектлари сотилган бўлиб, уларнинг 5 таси билан қўшимча инвестиция мажбурияти олиш бўйича шартномалар имзоланган.

Шулардан: Мирзаобод туманидаги «Гулистон ХККУ» корхонаси инвестори фуқоро А.Норматов, Янгиер шаҳридаги «Янгиер темир йўл хўжалиги» маъсулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши инвестори фуқоро Ш.Соибназаров, Мехнатобод туманидаги «Иқбол» акциядорлик жамиятининг 92 фоиз давлат активи инвестори фуқоро Ш.Маманазаровлар ўз зиммаларига олган қўшимча инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажарган.

Қолган Сайхунобод туманидаги «Баҳор» болалар боғчаси инвестири «Баҳор» фермер хўжалиги ва Сайхунобод туманидаги «Шодлик» болалар боғчаси инвестори фуқоро Б.Ўроловлар ҳам қўшимча инвестиция мажбуриятларини бажарган ва ҳозирги кунда ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятда 2009 йил 1 октябр ҳолатига низом жамғармасида давлат активлари мавжуд бўлган 36 та акциядорлик жамиятлари, 28 та масъулияти чекланган жамиятлари бўлса, 2010 йил 1 январ ҳолатига 36 та акциядорлик жамиятлари, 26 та масъулияти чекланган жамиятлари фаолият юритмоқда. 2 та масъулияти чекланган жамиятларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ПК-29-сонли қарорга асосан сотилган.

Бундан ташқари Давлат корхоналари ва хўжалик жамиятлари мулки негизида ташкил этилган 2 та қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Уларнинг фаолиятлари мунтазам равишда ўрганилиб мониторинг олиб борилмоқда.

Вилоятда жами 46 та акциядорлик жамиятлари, 67 та масъулияти чекланган жамиятлари мавжуд бўлиб, шундан низом жамғармасида давлат активлари мавжуд бўлган 36 та акциядорлик жамиятлари, 26 та масъулияти чекланган жамиятлари фаолият юритмоқдалар.

3.2. Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2005 йил 3 октябрдаги 02-5-174-сонли топшириғига кўра иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ҳамда истикболсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тугатиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш бўйича ишлаб чиқилган Худудий дастурни бажарилиши бўйича Вилоятда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истикболсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тугатиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш мақсадида **33 та** корхона бўйича алоҳида Дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Дастурга асосан:

- **8 та** корхонага нисбатан банкротлик тамойилларини қўллаш белгиланган.

Шундан:

2 та корхона (ОАЖ “Момиқ-СВ”, ХРСУ “Гулистон” ССК трести) тўлов қобилиятини тиклаб банкротлик ҳолатидан чиққан.

2 та корхона бўйича кузатув жорий қилинган (Гулистон РМЗ, “Янгиер РММ” МЧЖ).

4 тасида тугатиш ишлари очилган, шундан **2 та корхона** (КМБ-20 ва КМБ-28) бўйича баҳолаш ишлари якунланиб, корхоналарни мулкый мажмуа сифатида сотиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

